

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018. Ped.02.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВА НАЗИРА МАХМУДОВНА

**ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ
ТАЛАБАЛАРИНИНГ ЎЗБЕК БАДИИЙ МАДАНИЯТИГА
ҚИЗИҚИШЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Ахмедова Назира Махмудовна

Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг ўзбек

бадий маданиятига қизиқишларини ривожлантириш 3

Ахмедова Назира Махмудовна

Развитие интереса у студентов педагогических высших образовательных

учреждений к узбекской художественной культуре 19

Axmedova Nazira Maxmudovna

Development of interest for the students of pedagogical higher educational

establishments to the Uzbek artistic culture 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018. Ped.02.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВА НАЗИРА МАХМУДОВНА

**ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ
ТАЛАБАЛАРИНИНГ ЎЗБЕК БАДИИЙ МАДАНИЯТИГА
ҚИЗИҚИШЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/Ped334 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоийдавлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengashlar>) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аннамуратова Светлана Каримовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳасанова Кибриё Ҳасановна
педагогика фанлари номзоди, профессор

Юзликаев Фарит Рафаилович
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.28.03.2018. Ped.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239–12–29; факс: (0366) 239-17–14; e-mail: samdu_ped_kengash@mail.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил:140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239–11–51.

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Х. И. Ибраимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ш.Р.Ураков

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.д.(PhD)

Н.Шодиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бадий маданият ва халқ амалий санъатининг шахсадаги фаол ижодий ривожланишга таъсирдан келиб чиқиб, етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказлар томонидан таълим соҳасида санъат ва бадий фаолиятга йўналтирилган фанларга бўлган талабни кучайтиришга аҳамият қаратилмоқда. Шахснинг бадий маданияти орқали ривожланишида тизимли ташкилий педагогик таъсир, хусусан, бадий онг, бадий эҳтиёж ва ижодий қобилиятларга қизиқишни шакллантиришни таъминлаб берувчи баҳо ва дидни ўстириш, санъатга эмоционал-кадриятли фаолият тажрибасини бойитиш жараёни алоҳида ўрин тутди.

Жаҳонда таълим олувчиларнинг бадий маданиятга нисбатан қизиқишларини ривожлантириш, бадий маданиятни ўзлаштиришга бўлган муносабат омиллари ва эҳтиёжни аниқлаштириш, талабаларнинг маданияти ва маънавияти даражалари диагностикаси ва таҳлилини амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш, интегратив ёндашув асосида фанлар мазмунига маънавий ва маданий етукликни камол топтириш имкониятлари ва технологияларини такомиллаштириш йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотлар олий педагогик таълимда бўлажак мутахассисларни тайёрлаш таълим дастурлари мазмунини бадий маданият ва маърифат нуқтаи назаридан янгилаш, ўқув жараёнларининг ташкилий-педагогик босқичларини бадий ижодий фаолликка йўналтиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ёш авлод қалбида ватанпарварлик, юрт келажаги учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссини оширишга қаратилган кенг ислохотлар амалга оширилмоқда. Республика Маънавият ва маърифат маркази билан олий таълим муассасалари ўртасида фаол ҳамкорлик олиб борувчи тузилмалар фаолияти йўлга қўйилиб, маънавий-маърифий тарғибот тизими кучайтирилмоқда. Ўзбекистонда маънавий-маърифий фаолият самарадорлигини ошириш чораларида “миллий ғояни кенг тарғиб этиш, маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигининг илмий асосланган мониторингини таъминлаш, халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, ёшларимиз ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш”¹ каби вазифалар белгиланиб, бу борада педагогика олий таълим муассасалари талабаларида бадий маданиятга қизиқишларини ривожлантиришнинг замонавий ёндашувлари, бадий кадриятларини ўрганиш мезонларини аниқлаштириш, ташкилий-педагогик шакллар ва технологияларини

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий фаолият самарадорлигини ошириш ва соҳа ривожланиш даражасини ошириш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари. 2017 йил, 149 (6843).

такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий фаолият самарадорлигини ошириш ва соҳа ривожланиш даражасини ошириш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сон, 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2995-сон қарорлари ва ушбу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фани ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Талабаларнинг бадиий маданиятга бўлган қизиқишларини ривожлантириш, ўзлаштириш даражасини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон бадиий маданиятининг аниқ мақсадли жиҳатларини ўрганиш муаммоси ҳозиргача талқин этилмаган ва бу борада илмий изланишлар олиб борилмаган. Бироқ, баъзи педагог олимлар ишларида ўқувчилар ва талабаларни бадиий ва эстетик тарбиялашнинг турли масалалари ўрганиб чиқилган. Шу нуқтаи назардан шахснинг бадиий маданияти назарияси ва бадиий онгининг ривожланишида М.С.Каган, Л.Н.Коган, Б.Т.Лихачевлар изланишлари алоҳида аҳамиятга эга.

Таълим олувчиларда бадиий ва эстетик тарбиянинг концептуал асослари, шунингдек, ўтмиш мумтоз санъати М.А.Верб, И.Ф.Гончаров, А.К.Дусавитский., Б.Т.Личачев, Е.Ф.Квятковский, В.И.Мазепа, Б.С.Мейлах, В.А.Разумный, В.К.Скатерщиков, Ю.А.Лукинларнинг асарларида XX аср бадиий санъати тажрибаси асосида ўрганилган. Уларнинг асарларида эстетиканинг асосий қоидалари умуминсоний қадриятларга қаратилган бўлиб, бутунжаҳон эстетик ва бадиий маданияти учун умумий маълумот сифатида қаралади.

Ю.Б.Борев, И.В.Гончаренко, Б.Т.Лихачев, Э.В.Квятковский, В.К.Скатерчиков, Н.М.Чавчавадзе ишларида инсоннинг эстетик маданиятини шакллантириш муаммоларининг фалсафий ва ижтимоий асослари кўриб чиқилган.

Бадиий маданиятни ривожлантиришда эстетик онг ва эстетик фаолликнинг психологик аспекти Л.Д. Волков, Б. А.Грушин, А.В.Мудрик, Б.М.Неменский, П.М. Якобсон илмий тадқиқотларида акс этирилган.

С.К.Аннамуратова, А.И.Ли, Р.С.Мухамедова, Н.Нурматов,
А.П.Сулайманов, М.Суюнов, С.Х.Файзуллина, Р.Х.Хасанов,

С.Ш.Шермухамедов ва бошқалар илмий изланишларида Ўзбекистонда бадиий ва эстетик тарбия, шунингдек, таълим тизимини қайта қуришнинг замонавий босқичи жараёнларида тутган ўрни, бадиий ва эстетик тарбияни шакллантириш шарт-шароитлари ва услублари ўрганилган.

Юқорида кўрсатилган илмий манбалар таҳлили педагогик олий таълим муассасалари талабаларида ўзбек бадиий маданиятига қизиқишларини ривожлантиришнинг долзарблиги, Ўзбекистон бадиий маданияти (Ўзбекистоннинг бадиий кадриятлари)га қизиқишнинг педагогик асоси ва қизиқишларни ривожлантириш технологияси, Ўзбекистон бадиий маданиятига бўлган қизиқишларини ошириш йўллари етарли даражада тадқиқ этилмаганлигини кўрсатди.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режасининг “Талабаларнинг бадиий маданиятини ошириш” чоралари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади талабаларнинг ўзбек бадиий маданиятига бўлган қизиқишини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

талабаларда ўзбек бадиий маданиятига қизиқишларини ривожлантиришга йўналтирилган дарсдан ташқари машғулотлар ўтказиш жараёнларининг тузилмаси ва мазмунини такомиллаштириш;

талабаларда ўзбек бадиий маданиятига қизиқишларни шакллантиришнинг ташкилий-педагогик шакллари такомиллаштириш;

талабаларнинг ўзбек бадиий маданиятига бўлган қизиқиши ва коммуникатив фаолиятини ривожлантириш босқичлари бадиий кадриятларини ўрганиш мезонларини аниқлаш;

талабаларнинг ўзбек бадиий маданиятига қизиқишларини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик шакллари ва технологияларини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг ўзбек бадиий маданиятига қизиқишларини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Навоий давлат педагогика институти, Бухоро давлат университети, Жиззах давлат педагогика институтининг 300 нафар талабалари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг ўзбек бадиий маданиятига қизиқишларини ривожлантириш жараёнини ташкил этишнинг мазмуни, шакл, метод, воситалари ва технологиялари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий-таққослаш, сўровлар, суҳбат, анкета, тест, савол-жавоб, интервью, педагогик эксперимент ва математик-статистик таҳлил ва тажриба-синов методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

педагогика олий таълим муассасаларида талабаларнинг ўзбек бадиий маданиятига қизиқишларини ривожлантиришга йўналтирилган дарсдан ташқари машғулотлар мазмуни умуминсоний характердаги бадиий қадриятларни таснифи (тарихий аҳамияти, долзарблиги, ғоявий ва бадиий ифодаси, таъсир кучи, эстетик қиймати)ни белгилаш асосида такомиллаштирилган;

ўзбек бадиий маданиятига бўлган қизиқишни шакллантиришнинг ташкилий-педагогик шакллари (тарихий-ахборотли, мулоқотли, мунозара, экскурсия, иллюстратив) педагогика фанини ўқитиш жараёнида билиш фаолиятининг мотивацион, интеллектуал-ижодий, бадиий-эстетик ва таҳлилий ўқув компонентларини киритиш орқали такомиллаштирилган;

талабаларнинг коммуникатив фаолиятини ривожлантириш босқичлари бадиий қадриятларни ўрганиш мезонлари (билиш, бадиий идрок этиш, ифодалаш, ижтимоийлашув) мазмуни дидактик тамойиллар асосида аниқлаштирилган;

ўзбек бадиий маданиятига қизиқиш даражасини ошириш ва уни баҳолашга оид илмий-методик таъминот “Ўзбекистонинг бадиий қадриятлари” номли ўқув модулига тасвирий ва бадиий, теле-кино материалларини жорий этиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

талабаларда ўзбек бадиий маданиятига қизиқишларини ривожлантиришга йўналтирилган назарий-педагогик ва амалий қоидалар комплекси ишлаб чиқилган;

ўзбек меъморчилик мероси ва тасвирий санъати воситасида талабаларнинг бадиий маданиятга қизиқишларини ривожлантиришга йўналтирилган машғулотларнинг мазмуни, технологиялари ва услублари ишлаб чиқилган;

талабаларнинг Ўзбекистон бадиий маданиятига бўлган қизиқиши – меъморчилик мероси ва тасвирий санъатига қизиқишларини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

талабаларнинг ўзбек бадиий маданиятига бўлган қизиқишини ривожлантириш бўйича илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқилган, олий таълим профессор-ўқитувчиларининг тегишли педагогик фаолиятида қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар илмий-назарий жиҳатдан асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги даражаси математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти талабаларда ўзбек халқининг бадиий меросига қизиқишларнинг ривожланиши, унинг сифат кўрсаткичлари,

моделлари, тизимли-асослари билан белгиланади, муаммонинг назарий-педагогик ва назарий-амалий ечимлари асосида дарсдан ташқари машғулотлар дастурини яратиш талабларини асослашни тақозо этади. Шунингдек, мазкур тадқиқотда ақс этган назарий қарашлар шу йўналишдаги янги тадқиқотлар учун манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг ўзбек бадиий маданиятига қизиқишларини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган “Ўзбекистоннинг бадиий кадриятлари” дастури, педагогик-назарий ва амалий қоидалар, технологиялар, машғулотларнинг мазмуни ва услублари, Ўзбекистоннинг бадиий маданиятига бўлган қизиқишларини ривожлантириш бўйича тавсиялар, олий таълим муассасалари ва лицейлар ўқитувчиларининг педагогик изланишларида ушбу маълумотлардан фойдаланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг ўзбек бадиий маданиятига қизиқишларини ривожлантиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

талабаларнинг ўзбек бадиий маданиятига қизиқишларини ривожлантиришга йўналтирилган дарсдан ташқари машғулотлар мазмунини такомиллаштириш, умуминсоний характердаги бадиий кадриятларни таснифини белгилашга оид таклифлардан ИД-8-24 рақамли “Академик лицей ва касб-хунар таълими фаолияти бошқарувини такомиллаштириш” (2009-2010 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 21 июндаги 89-03-2356-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар педагогика олий таълим муассасаларида талабаларининг бадиий кадриятларини ривожлантириш асосида машғулотлар сифатини оширишга хизмат қилган;

ўзбек бадиий маданиятига бўлган қизиқишни шакллантиришнинг ташкилий-педагогик шакллари, билиш фаолиятининг мотивацион, интеллектуал-ижодий, бадиий-эстетик ва таҳлилий ўқув компонентларига оид таклифлари «Ўзбекистоннинг бадиий кадриятлари» (архитектура ёдгорликлари ва тасвирий санъат) ўқув таъминот мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 13 августдаги 89-03-3011-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар Ўзбекистон бадиий маданиятини ривожлантиришда Ўзбекистоннинг бадиий кадриятларига қизиқишни аҳамияти таъкидланади ва бунинг натижасида гуманитар фанлар ўқитувчиси шахсини такомиллаштиришга алоҳида имкон яратган;

талабаларнинг коммуникатив фаолиятини ривожлантириш босқичлари, бадиий кадриятларни ўрганиш мезонлари мазмуни, ўзбек бадиий маданиятига қизиқиш даражасини ошириш ва уни баҳолашга оид таклифлари А1-КХ-1-60888 – “Таълим мактабининг ўқувчиларига замонавий шароитда асосий шахсий фазилатлар сифатида ўз-ўзини англаш қобилиятларини шакллантириш стратегияси” (2012 -2014 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 10 октябрдаги 89-03-3848-сон маълумотномаси). Мазкур лойиҳа доирасида педагогика олий ўқув юртлари талабаларининг Ўзбекистоннинг

бадий маданияти, меъморий мерос ва тасвирий санъатига бўлган қизиқишини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 16та, шундан 4 халқаро ва 12та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, 1та монография, 1 та жамоавий монография, тренинг учун 1 та ўқув-услубий қўлланма чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 10 та, жумладан, хорижий илмий журналларда 1 та, республика илмий журналларида 9та илмий мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб асосий матн 152 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг "**Ўзбекистон бадий маданиятига талабаларнинг қизиқишларини ривожлантиришнинг методологик ва назарий асослари**" деб номланган биринчи бобида Ш.М.Мирзиёев ҳамда И.А.Каримовнинг асарлари ва нутқлари, талаба ёшлар ўртасида маданиятни ривожлантириш, "Келажак мутахассислари"нинг янги давр талабларига жавоб берадиган юксак маданиятли мутахассислар қилиб шакллантиришга йўналтирилган Ўзбекистоннинг давлат таълим сиёсати таҳлил этилган. Давлат таълим сиёсатида нафақат юқори малакали кадрлар тайёрлаш, балки маданиятли баркамол шахсларни тайёрлаш вазифаси қўйилган ва ҳал қилинмоқда. Ўқув дастурини маданиятшунослик йўналиши бўйича ўзгартириш ва модернизация қилиш, ўқитувчилар ва талабаларнинг маданий ва маърифий фаолиятига алоҳида эътибор бериш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида миллий ва маданий қадриятларга ҳурмат, халқнинг мероси, янги авлод ўқув-методик мажмуалари ва илғор педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш орқали таълим олувчиларнинг маданиятини ошириш, шунингдек маданий соҳадаги билим ва тажрибаларини жорий қилиш орқали кадрлар тайёрлашни такомиллаштиришнинг миллий шарт-шароитларини аниқлашга йўналтирилган устувор вазифалар белгиланган. Ушбу дастурда шахснинг

маданий эҳтиёжларини қондириш заруратини таъминлаш, шунингдек жамият ва давлатнинг ижтимоий буюртмаси(миллий ва умуминсоний кадриятлар, жаҳон маданияти ютуқларининг устунлиги асосида таълимни инсонпарварлаштириш, ижтимоийлаштириш ва таълимнинг миллий йўналтирилганлигига эътиборни кучайтириш)га урғу берилади. Демак, маданий омил замонавий таълимда муҳим ўрин эгаллайди.

Биринчи бобда “маданият” тушунчасининг шарҳланиши турли аспектларда таҳлил қилинган: жумладан, уларнинг турлари, шакллари, тузилмалари, асосий йўналганлиги, мезонлари, функциялари; бадиий санъат (қадимги Ўрта асрлар меъморчилиги, Ўрта аср миниатюраси, тасвирий санъат ва ҳунармандчилик), санъат асарлари билан алоқадорлик мезонлари ва баҳоланиши, шунингдек, жамият тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти ўрганилган.

“Бадиий маданият” тушунчаси ва унинг моҳияти, тузилиши, турлари, асосий компонентлари, шакллари, услублари, жанрлари, уларнинг функционаллиги – умумий маданиятнинг энг муҳим таркибий қисми, шахсий камолот омили эканлиги аниқланган. Бадиий маданиятнинг кўрсаткичлари, мезонлари, яъни Ўзбекистоннинг бадиий маданияти, миллий ва бадиий кадриятлари, бадиий мероси ва унинг ўзига хос хусусиятлари, тараққиёти, уларнинг характеристикаси – халқимиз маънавий маданиятининг ажралмас қисми бўлиб, ёш авлод камолотида муҳим пойдевор ҳисобланади.

Бадиий маданият тушунчасининг методологик аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади: Ўзбекистон бадиий маданиятининг муҳим асоси – қадимий меъморчилик санъати, Ўрта асрнинг Марказий Осиё миниатюраси, тасвирий санъат (рангтасвир, миллий анъанавий санъат) ва ҳунармандчилик; Ўзбекистон санъатида фарқ қиладиган асарларнинг ўзига хос хусусиятлари; Шарқий Марказий Осиё халқларининг тарихий, миллий-маданий хусусиятлари, маҳаллий миллий субъектлари; чуқур эмоционал туйғу; ҳиссийлик, эмоционаллик; ўзига хос ҳиссий таъсир; максимал даражада ифодаланган нуқтаи назар; ҳиссий ва эстетик жиҳатдан объектни ўзига хос ҳиссий ҳолат орқали, муаллифлик дунёси орқали юзага келадиган бадиий интуитив – ижодий ҳиссиёт; рангнинг нозик туйғуси, бойлиги ва ёрқинлиги; рангнинг ҳиссиёт ифода воситаси ва бадиий имиджнинг шаклланиши.

Ўзбекистондаги бадиий маданият талаба ёшларнинг маданиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Бунда талабаларнинг фаол қизиқишидан келиб чиқиб дарсдан ташқари тадбирларда бадиий маданиятнинг кенг имкониятларидан фойдаланиш зарур.

Бадиий маданиятга қизиқишни ривожлантиришнинг амалий аҳамиятига қуйидагиларни киритиш мумкин: давлатнинг бир қатор муҳим таълим вазибалари қаторида турган муаммолар тадқиқ этилади, унинг ҳал этилишида миллий умуминсоний кадриятлардан фойдаланиш бўйича методологик ва назарий қўлланмалар ишлаб чиқилади. Талабаларда Ўзбекистоннинг бадиий маданиятига қизиқишларини ривожлантириш унинг шахсияти, шунингдек, муайян касбий билим ва малакаларини шаклланишини таъминлайди.

Мазкур бобда қизиқишларнинг фалсафий, психологик ва педагогик талқини; қизиқишларнинг кўринишлари, турлари, таснифи, тузилиши, ривожланиши (тасодифий, чуқур, кўп қиррали, доимий, бадиий ва қадриятлардан манфаатдорлик бўйича қизиқишларнинг табиий динамикаси); талабаларда бадиий маданиятга, Ўзбекистоннинг бадиий қадриятлари (тарихий, маданий, миллий-анъанавий)га бадиий қизиқиш ва маънавий эҳтиёжларни қондириш учун манба, схема ва модели, унинг кўрсаткичлари ва мезонлари ёритилган.

Янги авлод мутахассисларида бадиий маданиятга қизиқишларни ривожлантириш давлат миқёсидаги устувор вазифа бўлиб, унинг ҳал этилишига интеграциялашган, илмий ва педагогик ёндашувларни жорий этиш назарий асос ва тарихий-маданий, шунингдек, замонавий бадиий қадриятлар, халқнинг анъанавий, миллий ва бадиий ҳамда умуминсоний қадриятларни талаб қилади.

Ўзбекистоннинг бадиий маданиятига бўлган қизиқиш нафақат Ўзбекистоннинг миллий ва бадиий маданиятини кўп қиррали ўрганиш, балки шахсий ва касбий ривожланиш, профессионал ва шахсий нуфузни, мақомни ва обрў-эътиборни (айниқса, ижтимоий-маданий, шу жумладан, педагогик фаолиятни) қўлга киритиш омилidir. Бу ерда қуйидаги асосий тамойилларга риоя қилиш муҳим: эмоционал ижобий муносабат ва мотивация; дидактик тамойиллар; ёш ва индивидуал хусусиятлар; эстетика, бадиийлик, ижодкорлик, юқори бадиий ижодга муносабат; талабалар ижодкорлиги ва ижодкорлик салоҳияти; технологиялаштириш, педагогик инновациялар; башоратлаш ва фаолиятни “истикболли кўриш” (айниқса, ижтимоий фойдали, педагогик жиҳатдан аҳамиятлилик).

Бизнинг фикримизча, талабаларда Ўзбекистоннинг бадиий маданиятига қизиқишни ривожлантиришга ижтимоий педагогик, психологик, дидактик, методик ва ижтимоий-коммуникатив (уларнинг комплекси аниқланган) талаблар қўйилади.

Тадқиқот жараёнининг мазмунида бадиий маданият бўйича тизимлаштирилган билимлар, Ўзбекистоннинг бадиий қадриятлари, уларга қизиқиш, кўникма, қобилиятлар, қарашлар ва эътиқодлар, аналитик идрок тажрибаси, когнитивлик ва ижтимоий-коммуникативликнинг шаклланганлик даражаси, шунингдек талабаларнинг шахсий сифатлари ва профессионаллигини шакллантириш ҳам назарда тутилган.

Талабаларда бадиий маданиятга қизиқишларни ривожлантиришда илмий жиҳатдан асосланган тизимли, технологик, аниқ мазмунли ёндашув имкониятларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда мотивацион, ташкилий-педагогик, ташхисловчи, бадиий-эстетик, аналитик, ижодий-интеллектуал, педагогик башоратловчи, ўзини-ўзи ривожлантириш, долзарблаштириш, ижтимоийлаштириш, назорат ва натижа-яқуний каби компонентлардан иборат бўлган лойиҳаланган жараённи аниқлаш тақозо этилади.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, ушбу бобда педагогик жараён моҳияти таҳлил қилинган, унга оид талаблар тўплами, дарсдан ташқари ишлар

дастури ишлаб чиқилган. Назарий-педагогик асослар, тегишли назарий ва педагогик позициялар ва психологик жиҳатлар, Ўзбекистон бадиий маданиятининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, талабалар билан дарсдан ташқари ишлар билан шуғулланиш имкониятлари аниқланган.

Талабаларда бадиий маданиятга қизиқишларни шакллантиришнинг қуйидаги назарий ва методик асослари ажратиб кўрсатилди: дарсдан ташқари фаолиятнинг ташкилий-педагогик турлари; машғулотларга процессуал-технологик ёндашув; усуллар, технологиялар ва воситалар; талабаларга тақдим этиладиган интеллектуал ва ижодий методик ишлар, жумладан, педагогик фаолият турлари (қизиқтириш учун); назарий ва амалий талаблар: индивидуаллаштириш компонентлари; ўқитувчи; дастурлар мавзулари, режалари ва мазмунини ривожлантириш; услубий материаллар.

Сухбат, маъруза (кириш, янги материаллар баёни, бирлаштирувчи, умумлаштирувчи, якуний), диалог, ахборот, саёҳат, “бадиий кадриятлар билан учрашув” дарсларини ташкил этиш; мустақил иш, семинар, миниконференция, мавзулараро интеграция, такрорлаш каби машғулот турлари ва шаклларида унумли фойдаланиш йўл-йўриқлари тавсия этилган.

Диссертациянинг **“Дарсдан ташқари машғулотларда талабаларнинг ўзбек бадиий маданиятига қизиқишларини ривожлантириш педагогик асослари”** деб номланган иккинчи бобида дарсдан ташқари машғулотларнинг конструктив ва технологик элементлари кўриб чиқилган. Машғулотларни технологиялаштиришда мақсадларни белгилаш, материалларни тайёрлаш, педагогик жараёнларни ишлаб чиқиш, диагностик материалларини таҳлил қилиш, натижаларни аниқлаш масалаларига эътибор қаратилган. Талабалар томонидан Ўзбекистоннинг бадиий ва маданий мероси, бадиий кадриятларини ўзлаштириш технологиялари ишлаб чиқилган.

Ўқитувчининг талабага бериладиган қуйидаги оптимал метод ва услублари аниқланган ва такомиллаштирилган: даъват этиш; далил ва мисоллар билан ҳикоялаш ва баҳолаш элементлари асосида баён этиш; мисоллар, саволлар, калит сўзлар ва тушунчаларга эътиборни қаратиш; талқин қилиш ва шарҳлаш (янги сўзлар, тушунчалар); сухбат; сухбат-хабар, эвристик, синтезлаш (мустаҳкамловчи), тизимлаштириш; далил-исботлар, мунозаралар; дебат, бинар (икки томонлама), комплекс маърузалар тўплами, матбуот анжумани, истиқболли “кўриш”, башоратлаш; маслаҳат, истак, жой белгилари. Кўргазмали метод – талабаларни бадиий кадриятлар (расм, фототасвирлар) билан кўргазма ва ҳис-туйғу асосида таништириш орқали уларни танлаб олиш учун қўйиладиган талабларни ва намоёиш қилишни ҳисобга олиш (расмлар, фотолавлар).

Талабаларнинг бадиий кадриятларга қизиқишларини шакллантиришда қуйидаги методлар қўлланилади: блок, модул, кластер, тушунча, брейнсторминг, инсайт ва бошқалар; талабаларнинг турли йўналишдаги қизиқишларини аниқлаш; танлаш эркинлиги (қизиқиш, вазифа, фаолият); бадиий-эстетик идрок қилиш бўйича машқлар. Жумладан, педагогик минимашғулотлар (ўзининг технологияси, ҳақиқий муаллифлик сценарийси

асосида); саволларга жавоблар (сўровномалар, тестлар); турли режадаги вазифаларни ҳал этиш, топшириқ ва вазифаларни бажариш (қизиқиш ва қобилиятига кўра), таклиф этилган мавзу бўйича ёзма ишлар (шахсан танлаш ёки ўзи афзал кўриши бўйича); интеллектуал-ижодий ишлар муҳокамаси; китоблар, компьютерлар, босма нашрлар билан ишлаш; маданий материалларни (қизиқиш билан) тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказиш; қадимий меъморий обидаларга маданий экскурсиялар.

Талабаларга ёзма ишлар, билиш-ахборот, рефератив, маданий-маърифий, методик, оригинал ва қизиқарли (мавзу, шакл, услуб, танлов, қизиқиш, имтиёз ва қобилият) вазифалар топширилди. Шунингдек, “Ўзбекистоннинг қадимий меъморчилиги”, “Қадимги Шарқ миниатюраси”, “Ўзбекистоннинг декоратив ва амалий санъати”, “Самарқанд манзараси ва кўриниши”, “Қадимги меъморий ёдгорликларнинг композицион схемаси”, “Бехзод миниатюралари қахрамонлари”, “Тоғларда дарвеш ҳузурига ташриф буюрган Искандар”нинг ўзаро муносабатлари модели”, “Ўзбекистоннинг декоратив ва амалий санъати, хунармандчилиги нақшларининг эскизлари ва чизмалари”, “Ўзбекистон рассомларининг машҳур асарлари”, “Ўзбекистоннинг бадиий маданияти юзасидан қизиқишларим” мавзуларида қизиқарли ва ноёб асарларни ўрганиш таклиф қилинди. Бундай мазмундаги ишлар Ўзбекистоннинг бадиий қадриятларини чуқур ўрганиш жараёнига ақлий-ижодий ёндашиш, келажакда ўқитувчиларнинг шахсий ва профессионал фазилатларини шакллантириш ва ривожлантиришни кўзда тутди.

Шубҳасиз, ўқитувчи тадқиқот жараёнида муҳим роль ўйнайди, унга бўлган шахсий ва профессионал (касбий) талаблар ишлаб чиқилган.

Иккинчи бобда “Ўзбекистоннинг бадиий қадриятлари” дастурининг ҳар бир мавзуси бўйича тасвирий ва бадиий, теле-кино материаллари аниқланган. Ўзбекистоннинг бадиий қадриятларини танлашда талабаларда Ўзбекистоннинг бадиий маданиятига фаол қизиқишини ривожлантириш учун талаблар ишлаб чиқилган. Шунингдек, Ўзбекистоннинг бадиий қадриятларини ўрганиш жараёнида талабалар учун асосий, ўқитувчига талабаларда бу қизиқишни ривожлантириш учун талаблар кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Талабаларда ўзбек бадиий маданиятига қизиқишларини ривожлантиришнинг самарадорлик даражаси (“Ўзбекистоннинг бадиий қадриятлари” мавзусида дарсдан ташқари машғулотида)”** деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари ёритиб берилган.

Шакллантирувчи тажриба-синов ишлари Навоий давлат педагогика институти негизида ташкил этилди. Кўчма тажриба-синов ишлари Бухоро давлат университети ва Жиззах давлат педагогика институтида ўтказилди.

Тажриба-синов ишлари аввалида респондентларда Ўзбекистон бадиий қадриятларига қизиқишларнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш мақсадида даслабки сўровнома ўтказилди. Назоратни ўтказишдан мақсад тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган педагогик асослар ва технологияларни амалиётга татбиқ этишдан аввал мавжуд ҳолатни аниқлаш сифатида

белгиланди. Натижаларни таҳлил этиш жараёнида тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўртача аҳамиятлилик даражасини қиёслаш, тажриба ва назорат танланмаларини тажриба аввали ҳамда сўнгида ўртача фарқ кўрсаткичларини аниқлаштириш учун Стъудентнинг нопараметрик мезони, талабаларда ўзбек бадий маданиятига қизиқишларини ривожлантириш кўрсаткичларини таққослаш учун Пирсоннинг χ^2 мезони қўлланилди.

Талабаларда ўзбек бадий маданиятига қизиқишнинг ривожланганлик барча кўрсаткичлари бўйича тажриба ва назорат гуруҳларида тажриба-синов ишлари аввалида статистик аҳамиятли фарқлар кузатилмади. Бу шундан далолат берадики, бир хил тайёргарлик ва ўхшашликка эга гуруҳлар шакллантирилган, уларнинг натижаларини тажриба-синов ишларидан сўнг таққослаш тўғри бўлади.

Тажриба-синов ишлари сўнгида тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган педагогик асос ва технологиянинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида тест ўтказилди.

Тажриба-синов ишлари таҳлили шуни кўрсатадики, талабаларда ўзбек бадий маданиятига қизиқишнинг барча мезонлари бўйича тажриба гуруҳларида ўзгаришлар статистик аҳамиятлиликка учраган.

Тажриба-синов ишлари сўнгида олинган натижалар шуни тасдиқладики, талабаларда ўзбек бадий маданиятига қизиқишнинг ривожланганлик даражаси барча мезонлари бўйича тажриба гуруҳида статистик аҳамиятлилик кузатилди, бироқ назорат гуруҳларида бундай ҳолат кузатилмади. Тажриба-синов ишлари талабаларда ўзбек бадий маданиятига қизиқишларининг ривожланганлик даражаси бўйича тажриба ва назорат гуруҳидаги фоиз кўрсаткичлари 1-жадвалда кетирилган.

1-жадвал

Талабаларда ўзбек бадий маданиятига қизиқишларининг ривожланганлик босқичлари бўйича натижалари

Дастлаб	Босқич			
	I Мотива- цион	II Ахборот- билимли, шаклланти- рувчи	III Акс этувчи, интеллек- туал ижодий, ўз-ўзини ривожлантириш	IV Долзарблаш- тириш- ижтимоий- лаштириш
I 0%	Тажриба гуруҳларида			
	44%	62%	78,7%	89,3%
0%	Назорат гуруҳларида			
	18,7%	21,3%	28,7%	32%
II 6%	Тажриба гуруҳларида			
	50%	70%	80%	90,7%
4,7%	Назорат гуруҳларида			
	16%	25,3%	30%	40%

1-жадвалдан кўришиб турибдики, амалга оширилган тажриба синов ишлари натижасида тажриба гуруҳларида ўзбек бадиий маданиятига бўлган қизиқиши бўйича олинган билим ва қизиқишларни кўрсаткичлари сезиларли даражада ўзгарган. Талабаларда ўзбек бадиий маданиятига қизиқишларининг ривожланганлик даражаси ўсиши кузатилган.

Юқоридаги маълумотларга асосланган математик-статистик таҳлил натижалари қуйидаги жадвалда акс эттирилган. Ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стъюдентнинг танланма мезони, Стъюдент мезони асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик критерийси ва ишончли четланишлари.

\bar{X}	\bar{Y}	S_x^2	S_y^2	V_x	V_y	$T_{x,y}$	K	$X_{n,m}^2$	Δ_x	Δ_y
2,3	1,96	0,51	0,6184	2,5	3,3	3,90	295,02	26,26	0,11	0,13

Олинган натижаларининг самарадорлиги баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўрсатади. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан. Демак, талабаларда ўзбек бадиий маданиятига қизиқишларини ривожлантиришнинг ўзлаштириш даражасини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор экан.

ХУЛОСА

“Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг ўзбек бадиий маданиятига қизиқишларини ривожлантириш” мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўзбекистоннинг бадиий маданияти, шу жумладан Ўрта асрларда юксак бадиий қадимий меъморчилик, Марказий Осиё миниатюраси (Беҳзод асарлари) мамлакат ташқарисида танилган, жаҳонга машҳур санъат ва ҳунармандлик, тасвирий санъат асарлари билан методологик ва назарий ғоялар шакллантирилди.

2. Ишлаб чиқилган натижаларга кўра талабаларнинг Ўзбекистон бадиий маданиятига бўлган қизиқишларини ривожлантиришнинг асосий таркибий қисмларини, моделларини идентификациялаш билан талабаларнинг қизиқиши (психологик-педагогик асосда) ривожланиш динамикаси, ривожланаётган ушбу қизиқишларнинг кўрсаткичлари ва мезонлари аниқланди.

3. Талабаларнинг Ўзбекистон бадиий маданиятига бўлган қизиқишини ривожлантиришнинг методик ва назарий позициялари аниқланди: замонавий педагогик услублар; муайян назарий ва концептуал ва қатъий асослар (ўрганиш контекстида синдирилган); бадиий маданиятнинг эстетик маданиятдаги роли, ўрни ва аҳамияти, умуман, Ўзбекистоннинг бадиий

қадриятлари, миллий бадиий мероси ҳисобга олинган ҳолда, юксак бадиий маданиятга эга бўлган Ўзбекистоннинг обрў-эътибори, профессионал ва шахсий мавқеини юксалтиришда шахснинг устуворлиги назарда тутилган.

4. Муаммони ҳал қилиш учун назарий ва педагогик асос яратилди. Мазкур таркибга услубий ва назарий позициялар, нуқтаи назарлар, кўрсатмалар; илмий ва таълимий ёндашувлар; педагогик ва дидактик тамойиллар, психологик ва педагогик шарт-шароитлар; тизимли ва аниқ асос; илмий асосланган дарсдан ташқари машғулотлар мазмуни ("Ўзбекистоннинг бадиий қадриятлари"); талабаларнинг Ўзбекистон бадиий қадриятлари соҳасидаги қизиқишларини танлаш вариантлари учун дарсдан ташқари машғулотларда талаб этиладиган педагогик жараён киритилди.

5. Муаммони ҳал этишда дарсдан ташқари машғулотлар турлари, технологияси, ташкилий-педагогик шакллари, индивидуал компонентлари; услублар ёндашувлар (методлар, усуллар); талабаларга таклиф этилган топшириқлар ва ёзма ишлар (умумий билим, интеллектуал, ижодий, методик, таълим, тарбиявий) вариантларини қизиқиш ва қобилиятга қараб танлаш; ўқитувчилар, талабалар ва бошқалар учун бир қатор назарий ва амалий асослар ишлаб чиқилди.

6. Маълум илмий ва педагогик тизимда, илмий-педагогик таркибий қисмда, технологик тузилмаларда, педагогик ёндошувларда, методик услубда, шу жумладан, муаллифлик амалиётида илмий асосланган тарзда, педагогик синовдан ўтган педагогик асослар (назарий ва амалий) муаммони ҳал қилиш бўйича оптимал педагогик таъсирини исботлаш учун конкрет тадқиқот материали талабаларнинг ўзбек бадиий маданиятини қизиқишини ошириш ("Ўзбекистоннинг бадиий қадриятлари" деб номланган) аниқлаштирилди.

7. Дарсдан ташқари машғулотлар дастури ишлаб чиқилди; педагогик жараёнлар тизими; принциплар, тамойиллар; технологиялар (умумий жараёнлар, дарсдан ташқари машғулотлар, уларни ўтишдан мақсади); шакллар, усуллар (ўқувчиларга ўқитувчиларнинг иш услуги); таълим усуллари; тушунтириш ва коммуникатив - ахборотли; талабалардан маълум қизиқиш, билим, интеллектуал ва ижодий ҳаракатларни талаб қиладиган топшириқларни, ёзма ишлар асарларини; талабалар томонидан бадиий қадриятлар, Ўзбекистоннинг бадиий маданияти соҳасидаги таклифларни жамиятга татбиқ этиш (тавсия этилган мезонлардан ажралиб турадиган ўзига хослик) зарурати асосланди.

8. Дарсдан ташқари машғулотларида "Ўзбекистоннинг бадиий қадриятлари" дастури бўйича талабаларнинг қизиқиши шаклланди, илмий жиҳатдан асосли, аниқ мақсадли, хусусан мавзуга оид Ўзбекистоннинг бадиий қадриятларини устувор ўрганиши нафақат Ўзбекистоннинг миллий бадиий қадриятлари, Ўзбекистоннинг миллий бадиий мероси, балки жаҳон бадиий маданияти қадрият тасаввурга эга бўлди.

9. «Талабаларнинг ўзбек бадиий маданиятига бўлган қизиқишини ривожлантириш» бўйича тавсияларда ўқитувчининг малакаси, мавзусини билиш, педагогик технологиялар, талабалар билан ишлашга ижодий

ёндашув, олий мақсадни кўзлаш, талабаларнинг педагогик фаолиятлари ҳақида истиқболларини прогноз қилиш, бадиий маданиятга эга бўлишга алоҳида эътибор берилади.

Ўзбекистон бадиий маданиятини ривожлантиришда талабаларнинг бадиий қадриятларга қизиқиши аҳамияти таъкидланади ва натижада гуманитар фанлар ўқитувчиси шахсини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

АХМЕДОВА НАЗИРА МАХМУДОВНА

**РАЗВИТИЕ ИНТЕРЕСА У СТУДЕНТОВ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ
ВЫСШИХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ К УЗБЕКСКОЙ
ХУДОЖЕСТВЕННОЙ КУЛЬТУРЕ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.4.PhD/Ped334.

Диссертация выполнена в Навоийском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengashlar>) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Аннамуратова Светлана Каримовна доктор педагогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Хасанова Кибриё Хасановна кандидат педагогических наук, профессор Юзликаев Фарит Рафаилович доктор педагогических наук, профессор
Ведущая организация:	Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 года в __ часов на заседании Научного совета № PhD.28.03.2018.Ped.02.05 при Самаркандском государственном университете по адресу: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, 15. Телефон: (0366) 239–12–29; факс: (0366) 239–17–14; e-mail: samdu_ped_kengash@samdu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована за № ____). Адрес: 140104, _____ г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Телефон: (0366) 239–11–51.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2019 года.)

Х.И.Ибрагимов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней
доктора наук, д.п.н., проф.

Ш.Р.Ураков
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученой степени
доктора наук, к.п.н.

Н.Шадиёв
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению ученой
степени доктора наук, д.п.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире ведущими высшими учебными заведениями и научными центрами выделяется особое внимание на повышение требований к дисциплинам направления искусства и художественной деятельности, в сфере образования исходя из-за влияния народного прикладного искусства и мировой художественной культуры на активное творческое развитие личности. Особое место в развитии личности через художественную культуру занимает системный организационно-педагогический эффект, в частности формирование оценок и вкусов, способствующих развитию художественного сознания, художественных потребностей и интереса к творческим способностям, а также обогащению эмоционального и ценного опыта в искусстве.

Во всем мире развивается, интерес к художественной культуре, выявляются факторы и потребности в отношении художественной культуры, проводятся научные исследования в области механизмов диагностики и анализов уровней культуры и духовности студентов, совершенствование возможностей и технологии развития нравственной и культурной зрелости на основе интерактивного подхода содержания предмета. Настоящие исследования способствуют обновлению содержания учебных программ с точки зрения художественной культуры и просвещения для подготовки будущих специалистов в области высшего педагогического образования, направленные на художественную деятельность в организационно-педагогических этапах учебного процесса.

В стране проводится широкомасштабные реформы направленные на повышение эффективности духовно-просветительской работы, повышения чувства патриотизма и ответственности за будущее страны в сердце молодого поколения. Создана система деятельности активного сотрудничества Республиканского центра духовности и просвещения с высшими учебными заведениями, усиливается система духовно-просветительского продвижения. В Узбекистане необходимо “широкое продвижение национальной идеи, обеспечение научно-обоснованного мониторинга, эффективности духовно-просветительской деятельности; разработка и реализация мер по сохранению исторического наследия, обычаев и народного образования нашего народа, укреплению межрелигиозной толерантности межэтнического согласия и взаимного уважения молодежи”¹ в целях повышения эффективности духовно-просветительской деятельности, в связи этим актуальным являются современные подходы к развитию художественного интереса у студентов педагогических вузов, уточнению критериев художественных ценностей,

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий фаолият самарадорлигини ошириш ва соҳа ривожланиш даражасини ошириш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сонли Қарори – Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, 149 (6843), 2017 йил.

разработка научно-методических рекомендаций, направленные на совершенствование и эффективность организационно-педагогических форм и технологий.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, намеченных в законах Республики Узбекистан №ЗРУ-406 «О государственной молодежной политике» от 14 сентября 2016 года, Указа Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-3160 «О повышении эффективности духовно-просветительской деятельности и поднятии на новый уровень развития сферы» от 28 июля 2017 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан от 24 мая 2017 года №ПП-2995 "О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников", Распоряжении Президента Республики Узбекистан «О создании комиссии по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению и пропаганде культуры чтения» от 12 января 2017 года, а также в ряде других, касающихся этой деятельности, нормативно-правовых актах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Проблема приобщения студентов к художественной культуре, ее освоения, развития интереса к ней, в том числе, к художественной культуре Узбекистана, в ее конкретно-предметном смысле, не ставилась и до сих пор не исследовалась. Однако затрагивалась в некоторых трудах ученых-педагогов, исследующих различные вопросы художественного и эстетического воспитания обучающихся, в том числе, студенческой молодежи. В данном контексте имеет важное значение труды по теории художественной культуры личности и художественного сознания таких авторов как: М.С. Кагана, Л.Н. Когана, Б.Т.Лихачева и др.

Концептуальные основы художественного и эстетического воспитания обучающихся, в том числе, студенческой молодежи были изучены в работах Верба М.А., Гончарова И.Ф., Дусавитского А.К., Лихачева Б.Т., Квятковского Е.В., Мазепа В.И., Мейлаха Б.С., Разумного В.А., Скатерщикова В.К., Лукина Ю.А., созданная на основе художественного опыта классического искусства прошлого и искусства XX века. В них дается краткое, целостное изложение основных положений эстетики как науки, ориентированное на общечеловеческие ценности и на общегуманистическое осмысление материала мировой эстетической и художественной культуры.

Философские и социологические основы проблемы формирования эстетической культуры личности рассмотрены в работах Борева Ю.Б., Гончаренко И.В., Лихачева Б.Т., Квятковского Е.В., Скатерщикова В.К., Чавчавадзе Н.М.

Психологические аспекты природы эстетического сознания и эстетической деятельности в развитии художественной культуры отражены в научных исследованиях Волковой Л.Д., Грушина Б.А., Мудрика А.В., Неменского Б.М., Якобсона П.М.

В Узбекистане проблему художественно-эстетического воспитания, его роль на современном этапе перестройки системы образования, а также условия, формы и методы художественно-эстетического воспитания с направленностью на формирование художественно-эстетического сознания исследуют Аннамуратова С.К., Ли А.И., Мухамедова Р.С, Нурматов Н., Сулайманов А.П., Суюнов М., Файзуллина С.Х., Хасанов Р.Х., Шермухамедов С.Ш. и др.

Анализ вышеуказанных научных источников показывает актуальность развития интереса у студентов высших педагогических образовательных учреждений к узбекской художественной культуре, разработки педагогических основ и технологий развития интереса у студентов к художественной культуре Узбекистана («Художественные ценности Узбекистана»), рекомендаций по развитию у студентов интереса к художественной культуре Узбекистана.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Навоийского государственного педагогического института «Повышение у студентов художественной культуры».

Целью исследования является разработка технологий и рекомендаций по развитию интереса у студентов к узбекской художественной культуре.

Задачи исследования:

усовершенствовать структуру и содержание внеаудиторных занятий, направленных на развитие у студентов интереса к узбекской художественной культуре;

усовершенствовать формирование организационно-педагогических форм интереса у студентов к узбекской художественной культуре;

определить критерии изучения художественных ценностей при развитии этапов коммуникативной деятельности и интересы студентов к узбекской художественной культуре;

усовершенствовать организационно-педагогические формы и технологии развития у студентов интереса к узбекской художественной

культуре и разработать научно-методические рекомендации, направленные на повышение эффективности процесса.

Объектом исследования определен процесс развития интереса у студентов к художественной культуре Узбекистана в Навоийском государственном педагогическом институте, Бухарском государственном университете и Джиззакском государственном педагогическом институте.

Предмет исследования составляют содержание, формы, методы, средства и технологии развития интереса у студентов педагогических высших образовательных учреждений к узбекской художественной культуре.

Методы исследования. В процессе исследования использованы методы сравнения и сопоставления, педагогического наблюдения, опросов, беседы вопросы и ответы, анкетирования, тестирования, интервью, педагогического эксперимента, математико-статистического анализа эксперимента.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

усовершенствованы содержания внеаудиторных занятий, на основе определения классификации художественных ценностей общечеловеческого характера (исторической значимости, актуальности, идеологической и художественной выразительности, силы влияния, эстетической ценности), направленных на развитие у студентов интереса к узбекской художественной культуре в высших педагогических образовательных учреждениях;

усовершенствованы организационно-педагогические формы формирования интереса к узбекской художественной культуре (историко-информационная, коммуникативная, дискуссионная, экскурсионная, иллюстративная), на основе внедрения мотивационного, интеллектуального, творческого, художественно-эстетического и аналитического компонентов познавательной деятельности в преподавании предмета педагогики;

